

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУХАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ**

**Карабаев Маматхон Садирович**

**АУМИНЗАТАУ ВА БУКАНТАУ ТОҒЛАРИДАГИ ОЛТИН ВА ОЛТИН-  
НОДИР-МЕТАЛЛИ МАЪДАНЛАШУВИНИНГ МИНЕРАЛОГИК-  
ГЕОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚИДИРУВ-БАҲОЛАШ  
МЕЗОНЛАРИ**

**04.00.02 - Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва  
разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Content of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

Карабаев Маматхан Садирович Ауминзатау ва Букантау тоғларидаги олтин ва олтин-нодирметалли маъданлашувнинг минералогик-геокимёвий хусусиятлари ва қидирув-баҳолаш меъзонлари.....	3
Карабаев Маматхан Садирович Минералого-геохимические особенности золотого и золото- редкометалльного оруденения гор Ауминзатау и Букантау и поисково-оценочные критерии.....	25
Karabaev Mamatchan Mineralogical-geochemical characteristics gold and gold rare-metal mineralization of Auminzatau and Bukantau mountains and prospecting-evaluation criteria.....	47
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	50

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА  
ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА МУХАНДИСЛИК ГЕОЛОГИЯСИ  
ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ГЕОЛОГИЯ ВА ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ**

**КАРАБАЕВ МАМАТХОН САДИРОВИЧ**

**АУМИНЗАТАУ ВА БУКАНТАУ ТОҒЛАРИДАГИ ОЛТИН ВА ОЛТИН-  
НОДИРМЕТАЛЛИ МАЪДАНЛАШУВИНИНГ МИНЕРАЛОГИК-  
ГЕОКИМЁВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ҚИДИРУВ-БАҲОЛАШ  
МЕЗОНЛАРИ**

**04.00.02 - Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш ва  
разведка қилиш. Металлогения ва геохимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2017 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.1.DSc/GM1 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Геология ва геофизика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз-резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг [www.nggi.uz](http://www.nggi.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали [www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий маслаҳатчи:</b>	<b>Конеев Рустам Исмаилович</b> геология-минералогия фанлари доктори
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Цой Владимир Денъевич</b> геология-минералогия фанлари доктори <b>Антонов Александр Евгеньевич</b> геология-минералогия фанлари доктори <b>Умарходжаев Мавзурбек Умарходжаевич</b> геология-минералогия фанлари доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>“Ялпи геологик-таъмирлаш ва қидирув экспедицияси”</b> <b>Давлат корхонаси</b>

Диссертация ҳимояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон Миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашининг 2017 йил “\_\_” \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49, факс: (99871) 140-08-12, e-mail: [info@gpniimr.uz](mailto:info@gpniimr.uz), [gpniimr@exat.uz](mailto:gpniimr@exat.uz)).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т. Шевченко кўчаси, 11а-уй. Тел.: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2017 йил «\_\_» \_\_\_\_\_даги \_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Р.А.Ахунджанов**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

**К.Р.Мингбоев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш котиби, г.-м.ф.н.

**Х.А.Акбаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, г.-м.ф.д., академик

## КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Геологик тадқиқотларнинг жаҳон амалиётида янги конларни, жумладан олтин конларини башорат қилиш ва қидирув ишларини амалга ошириш муаммоси доимо долзарб бўлиб келмоқда. Осиё мамлакатлари, Канада, Америка Қўшма Штатлари ва бошқа давлатларнинг йирик конлари бўйича ўтказилган умумлаштирувчи тадқиқотлар, яширин маъданлашувнинг саноат аҳамиятига эга бўлган тўпламлари ҳосил бўлишида ва башорат қилиш ва қидирув ишларинининг илмий асосланган меъзонларини ишлаб чиқишда геокимёвий ва минералогик изланишларнинг маълумотлари асосий манбалар эканлигини кўрсатди <sup>1)</sup>.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тоғ-кон саноатининг фаолиятини янада жадаллаштириш ва тубдан модернизация қилиш юзасидан кенг камровли тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, мавжуд фойдали қазилма конлари захираларини кўпайтириш мақсадида, уларнинг салоҳиятини қайта баҳолаш ва дунё бозорида талаб юқори бўлган қазилма бойликларининг янги турларини жалб қилиш туфайли соҳанинг минерал хомашё базасини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясидан келиб чиққан ҳолда маҳаллий хомашё ресурсларидан комплекс фойдаланиш ва қайта ишлаш мақсадида фан ва геология-қидирув ишлари интеграцияси орқали, стратегик аҳамиятга эга бўлган фойдали қазилма бойликларининг, жумладан олтиннинг, минерал-хомашё негизини янада кўпайтириш алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида турли маъданларнинг моддий таркибини ўрганиш ва уларни қидириш ва башорат қилишнинг илмий асосланган меъзонларини ишлаб чиқиш юзасидан мақсадли тадқиқотларни амалга ошириш устувор йўналишлардан бўлиб, бу борада, жумладан, маъданларни қайта ишлаш усулларини такомиллаштириш ва улардан комплекс равишда фойдаланиш, маъданлар таркибидаги фойдали компонентларнинг намоён бўлиш шакллари аниқлаш ва уларни ажратиб олишнинг ноананавий усулларини ишлаб чиқиш, олтин маъданлашувининг ҳосил бўлиш шароитларини, минералогик ва геокимёвий хусусиятларини ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга қимматбаҳо, рангли, нодир металллар ва бошқа стратегик аҳамиятга эга бўлган минерал хом-ашё маъданларининг геологик, геофизик ва минералогик-геокимёвий қидириш ва баҳолаш меъзонлари мажмуаларини аниқлаш ва ҳамда ишлаб-чиқаришга жорий этиш, соҳа фани ва амалиётининг долзарб муаммолари ҳисобланади ва уларнинг ечимини топиш геология-қидирув корхоналари иқтисодий самарадорлигини оширишни таъминлайди.

---

<sup>1)</sup>Richard J. Goldfarb, Ryan D.Taylor, Gregory S. Collins et. al. *Phanerozoic continental growth and gold metallogeny of Asia*. Elsevier. 2013. P. 1-55.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон “Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришининг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хом ашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.** Олтин-нодирметалли ва олтинли маъданлашувнинг ҳосил бўлиш шароити ва моддий таркибини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Centre for Russian and Central EuroAsian Mineral Studies (Буюк Британия); Geosciences Institut; U.S.Geological Survey (АҚШ); Institute of Mineralogy, Bergakademie of Freiberg (Германия); Марказий геология-қидирув илмий-тадқиқот институти; Нодир элементлар минералогияси ва геокимёси; Маъданли конлар геологияси, петрография, минералогия ва геокимё фанлари институти (Россия), Ўзбекистон Миллий университети ва Минерал ресурслар илмий-тадқиқот институтида (Ўзбекистон) олиб борилмоқда.

Жаҳонда маъданларнинг жойлашув хусусиятлари ва моддий таркибини ўрганиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар юзасидан бир қатор илмий-амалий натижалар олинган, жумладан: аксарият саноатбоп олтин маъданлашуви Жанубий Тянь-Шан орогеник камарида ва Белтов-Қурама вулкано-плутоник ёйида жойлашганлиги эътироф этилган (Centre for Russian and Central EuroAsian Mineral Studies, Буюк Британия; Маъданли конлар геологияси, петрография, минералогия ва геокимёси институти, Россия); конларнинг ҳосил бўлиши субдукцион-коллизия жароёнлари билан боғлиқлиги аниқланган (U.S.Geological Survey, АҚШ; Марказий геология-қидирув илмий-текширув институти, Россия); эндоген конларнинг ва магматик ҳосилаларнинг жойлашувида антитяньшан (трансформли) ер ёриқларининг муҳим аҳамиятга эга эканлиги қайд қилинган, олтин маъданли улкан конларнинг вужудга келиши эса астеносфера плюмлари билан боғланган (Centre for Russian and Central EuroAsian Mineral Studies, Буюк Британия; Geosciences Institut, АҚШ); эндоген конлар учун олтинга маҳсулдор бўлган стандарт минералогик-геокимёвий турлар йиғиндиси ажратилган (Маъданли конлар геологияси, петрография, минералогия ва геокимё фанлари институти; Нодир элементлар минералогияси ва геокимёси, Россия; Ўзбекистон Миллий университети, Ўзбекистон).

Дунёда бугунги кунда олтин металлогенияси ва геокимёси бўйича қатор устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, жумладан:

турли геодинамик вазиятларда маъданли конларнинг ҳосил бўлиш ва жойлашиш хусусиятларини аниқлаш; маъданлашув турларининг олтинга маҳсулдор бўлган минерал-геокимёвий ассоциацияларини ажратиш; маъдан майдонларидаги олтин, олтин-нодирметалли ва бошқа хил маъданлашув турлари билан боғлиқ бўлган метасоматик ўзгаришларни аниқлаш; юқори аниқликка эга бўлган замонавий таҳлил усулларида фойдаланиб, олтин маъданларининг микро-наноминералогик жамланмаларини аниқлаш.

**Муаммонининг ўрганилганлик даражаси.** Майдонларнинг геологик тузилишига оид тадқиқотларни А.К. Бухарин, Я.Б. Айсанов, В.И. Зонов, А.Я. Котунов, С.Я. Лapidус, А.К. Пятков, Х.Р. Рахматуллаев, В.А. Хорват, Э.Р. Базарбаев, Ю.И. Петров, М.А. Ахмеджанов, О.М. Борисов, З.А. Юдалевич, Ю.И. Парамонов, А.М. Полванов, А.Е. Антонов ва бошқа кўплаб олимлар томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижалари асосида палеозой, мезазой-кайнозой ётқиқларининг стратиграфияси, чўкинди ва магматик жинсларнинг тавсифи берилган.

Букантов ва Ауминзатов тоғларидаги вольфрам ва олтин конлари маъданларининг жойлашиш қонуниятлари ва моддий таркибини ўрганиш В.Н. Ушаков, М.К.Турапов, М.М. Пирназаров, Г.В. Касавченко, В.А. Бархударов, Б.Б. Шааков, А.А. Рубанов, М.И. Исмаилов, А.А. Бабаджанов, М.С. Карабаев, С.Я. Клемперт, И.В. Королева, В.Д. Цой, Н.И. Николаева, Ч.Х. Арифулов, В.Ф. Проценко, Э.А. Дунин-Барковская, М.А. Ким, Р.И.Конеев, Н.В. Котов, И.П. Щербань, R. Seltmann, A.S. Yakubchuk, R.J. Goldfarb, D. Ryan, D.I. Groves, S. Gregory ва бошқалар томонидан амалга оширилган. Бу изланишлар натижасида тектоник қурилмалар, магматик ва қамровчи жинсларнинг маъдан жойлашувидаги муҳим аҳамияти аниқланган. Кейинги йилларда В.Н. Ушаков ва М.М. Пирназаровлар томонидан, нодир ва қимматбаҳо металлларнинг маъданлашув турлари учун геологик-генетик ва башоратлаш-қидирув моделлари ишлаб чиқилган.

Муаллиф томонидан 2010-2016 йилларда Ауминзатов ва Букантовдаги олтин-нодирметалли ва олтин маъданлашувнинг минералогик-геокимёвий хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бунда, маъданлар микроминералогиясига асосий эътибор қаратилди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Геология ва геофизика институти ва Ўзбекистон Миллий Университетининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф8-17 «Қимматбаҳо ва рангли металл конларининг ҳосил бўлиш шароитларида табиий нанотехнологиялар ва нанозаррачалар. Геологик, минералогик-геокимёвий қонуниятлар ва амалий натижалар» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** маъданларнинг минерал ва микроминерал таркибини ҳамда олтин, кумуш ва бошқа элементларнинг геокимёвий тарқалиш хусусиятларини аниқлаш, Ауминзатов ва Букантов тоғларидаги олтин, олтин-нодир металли маъданлашувининг қидирув-баҳолаш меъзонларини ажратишдан иборат.

### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Ауминзатов ва Букантовдаги олтинли ва олтин-нодирметалли маъданлашувнинг маҳсулдор ва метасоматик минерал ассоциацияларини ажратиш, типоморф минералларини аниқлаш;

асосий маъданли ва жинс ҳосил қилувчи минералларнинг типоморф хусусиятларини ўрганиш ва фойдали компонентларнинг микро-наноминерал ва бошқа учраш шакллари тадқиқ қилиш;

олтин ва олтин-нодирметалли конларда олтин ва у билан ҳамроҳликда учрайдиган элементларнинг тоғ жинсларда, маъданларда ва маъдан атрофида тарқалиш хусусиятларига доир маълумотларни статистик таҳлил қилиш усуллари кўллаш орқали аниқлаш;

конларнинг минералогияси ва геохимиясини эталон-конларга (Мурунгов ва Даугизтов) таққослаб таҳлил қилиш;

истиқболли майдонларни ажратиш, башорат қилиш ва қидириш-баҳолаш меъзонларини очиқ бериш мақсадида, олтинли ва олтин-нодирметалли маъданлашувнинг жойлашув хусусиятларини ва зоналар бўйича тарқалишини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ауминзатов ва Букантовнинг олтин (Песчаное, Қасқиртов, Карабугут, Шохетов) ва олтин-нодирметалли (Саритов, Саутбой) конлари ҳисобланади.

**Тадқиқот предмети:** Ауминзатов ва Букантов тоғларидаги олтинли ва олтин-нодирметалли маъданлашувнинг минералогияси ва геохимияси, метасоматитлари ва геологик позициялари.

**Тадқиқот усуллари.** Диссертация ишини бажаришда, юқори аниқликка эга бўлган замонавий таҳлил усуллари (рентген-микрозонди -Superprobe JXA-8800R ва масс-спектрометр - ISP MS) кўллаб, лаборатория шароитида олинган маълумотларни назарий умумлаштириш, ҳамда математик статистика ва тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилишни ўз ичига олган услублар мажмуасидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бор Ауминзатов ва Букантовдаги олтин-нодир металл ва олтин конлари ўзаро метасоматитлар комплекслари ва улардаги маъданлашувнинг юзага келиш вақти билан фарқ қилиши исботланган;

Ауминзатов ва Букантовдаги олтин маъданлашувининг ҳосил бўлиш шароити кўп босқичли эканлиги ва олтин-нодир металл, олтинли маъданлар минерал ассоциациялар мажмуаси, макро- ва микроминерал таркиби, минералларнинг типоморф хусусиятлари билан фарқланиши асосланган;

олтин-нодир металл маъданлашув учун платина ва висмут қўшимча элементлари бўлган соф олтин хослиги, олтин маъданлашувда олтиннинг асосий қисми сульфид минералларидаги дисперс шакли ва камроқ қисми паст асликдаги олтиндан иборат эканлиги аниқланган;

илк бор олтин-нодир металл маъданлашувда олтиннинг висмут, теллур ва вольфрам билан, олтинли маъданлашувда эса маргимуш, кумуш, селен ва сурма билан узвий геохимёвий боғланганлиги ҳамда минерал

парагенезисларнинг маъдан атрофида кетма-кет жойлашуви, олтин геокимёвий ассоциацияларининг ўзгаришига сабаб бўлиши аниқланган;

Ауминзатов ва Букантовдаги олтин-нодир метали ва олтинли маъданлашув учун турлича бўлган минералогик ва геокимёвий қидирув-баҳолаш меъзонлари мажмуалари аниқланган ва улар асосида истиқболли майдонлар ажратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари:** Ауминзатов ва Букантов тоғларидаги олтин-нодирметали ва олтинли маъданлашувнинг ўзига хос минералогик-геокимёвий қидирув-баҳолаш меъзонлари комплекси тавсия қилинган;

турли хил маъданлашувнинг асосий белгиларини акс эттирувчи башоратлаш-қидирув модели яратилган;

статистик равишда маъданлашувнинг гидротермал ўзгариш ҳудудларида - олтин-нодирметали - интрузив магматизм атрофида, олтинли эса тектоник бузилиш зоналарида тарқалганлиги аниқланган;

турли хилдаги яширин маъданлар учун истиқболли бўлган майдонлар ажратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Олинган геокимёвий ва минералогик изланиш натижаларининг ишончлилигига тоғ жинслари ва маъданларни ўрганишнинг замонавий таҳлил усуллари ёрдамида (масс-спектрометр ва микрозондли) ўзаро қайта тадқиқ қилиш орқали эришилган. Маълумотларни таҳлил қилишда компьютер дастурий усулларни қўллаш аниқланган қонуниятларнинг рақамли кўрсаткичларини акс эттириш имконини берди. Бу эса ўз навбатида, олинган маълумотларнинг ва таклиф қилинаётган қидирув-баҳолаш меъзонларининг ишончлилигини оширади.

**Тадқиқотлар натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти – олтинга маҳсулдор бўлган геокимёвий ва минерал ассоциацияларнинг хусусиятлари, олтиннинг геокимёвий боғланишлари, унинг учраш шакллари, типоморф минераллар ва уларнинг ўзига хос белгилари, турли хил олтин конларининг ҳосил бўлиш қонуниятларини аниқлаш ва уларни башорат қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ауминзатов ва Букантовдаги олтинли ва олтин-нодирметали маъданлашувининг минералогик-геокимёвий қидирув-баҳолаш меъзонлари мажмуини аниқлаш ва геологик-қидирув ишларини олиб бориш учун истиқболли майдонларни ажратишдан иборат.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Букантов ва Ауминзатовдаги турли хил маъданлашувнинг минералогик-геокимёвий хусусиятларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

маъдан турларининг ўзига хос минералогик белгилари, яъни метсоматик ҳосилалар, маҳсулдор минерал ассоциациялар, макро- ҳамда микроминераллар ва уларнинг типоморф хусусиятлари ҳамда турли хил маъданлашувдаги олтиннинг учраш шакллари аниқлаш юзасидан олинган тадқиқот натижалари Навоий кон-металлургия комбинати «Уран ва қимматбаҳо металлар геологияси» ИИЧМ корхонаси томонидан Қасқиртов

ва Карабугут майдонларида қидирув-баҳолаш ишларини олиб бориш жараёнида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 6 октябрдаги 01-02-08/10661-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш самараси олтин маъданларининг моддий таркибини ва технологик хусусиятларини аниқлашда қўлланилган;

асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиш хусусиятлари, яъни олтин-нодир метали маъданлашув учун Bi, Te, W ларнинг ореоллари, уларнинг маъдан атрофида олтин билан мусбат корреляцияси; олтинли маъданлашув учун олтиннинг As, Te, Ag ва Sb билан мусбат корреляциялари; элементлар нисбат кўрсаткичлари – Ag:Au =10:1, Se:Te =45:1 бўйича олинган тадқиқот натижалари Навоий кон-металлургия комбинати «Уран ва қимматбаҳо металллар геологияси» ИИЧМ корхонаси томонидан геологик қидирув ишлари олиб бориш жараёнида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 6 октябрдаги 01-02-08/10661-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижасида Шохетов майдонидаги олтин маъданлашув жадаллиги юқори бўлган майдонларини ажратиш имконини берган;

тавсия қилинган олтин маъданлашувининг қидирув-баҳолаш меъзонлари мажмуаси ва башоратлаш модели ҳамда улар асосида ажратилган яширин маъданлашувга истиқболли бўлган майдонлар Навоий кон-металлургия комбинати «Уран ва қимматбаҳо металллар геологияси» ИИЧМ корхонасида жорий қилинган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2016 йил 6 октябрдаги 01-02-08/10661-сон маълумотномаси). Илмий натижаларни амалиётга жорий қилиш натижаси геологик-қидирув ишларини олиб боришда олтин маъданлашувининг қидирув белгилари сифатида қўлланилмоқда. Улар асосида ажратилган Шимоли-ғарбий Саритов, Шарқий Қасқиртов (Букантов), Шарқий Карабугут (Ауминзатов) майдонлари олтин маъданлашувга баркамол бўлган майдонларни танлаш ва геологик-қидирув ишларини ташкил этишда фойдаланилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 2 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациясини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 14 та мақола республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 6 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 182 бетни ташкил этган.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсади ва вазифалари асосланади, тадқиқот объекти

ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга қўлланилиши, нашр қилинган ишлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг «**Букантов ва Ауминзатов тоғларининг геологик тузилиши, олтин-нодирметалли ва олтин маъданлашувнинг жойлашув хусусиятлари**» деб номланган биринчи бобида учта кичик боблар мавжуд бўлиб, ўрганилаётган худуднинг геологик тузилиши ва маъданлашувнинг ҳосил бўлиш, жойлашув хусусиятлари, аввалги изланувчилар маълумотларидан фойдаланиб, қисқача баён этилган. Республиканинг олтин конлари Туркистон палеоокеани қобиғининг Қозоғистон-Қирғиз континентига субдукцияси ва Қоруқум-Тарим континенти билан коллизияси ва улардан кейинги геологик жараёнлар натижасида ҳосил бўлган ва Жанубий Тянь-Шан орогеник ва Белтау-Қурама вулканоплутоник камарларни бирлаштирувчи, ягона Қизилқум-Қурама металлогеник камарда жойлашганлиги эътироф этилган.

Букантов тоғларининг Саритов ва Саутбой олтин-нодирметалли конлари, Жанубий Тянь-Шан орогеник камарининг Жанубий Букантов структура-формацион зонасида жойлашган бўлиб, ягона магма-маъданли-метасоматик тизимни ташкил қилади. Конлар мантиядан ёки ернинг қуйи қобиқ қисмидан келувчи, узоқ фаолият кўрсатувчи кенглик йўналишидаги қурилмалар билан фундаментнинг яширин, кўндаланг ёриқлари кесишган тугунларида жойлашган.

Конлар майдони кокпатас свитасининг метатерриген-карбонат-кремнийли тоғ жинсларидан ташкил топган, маъданлашув Жанубий Букантов учун асосий маъдандор бўлган саритов постколлизиян гранитоидлари ( $C_3-P_{1s}$ ) билан генетик боғлиқ. Метасоматик тоғ жинсларининг кенг кўлами билан тавсифланади, маъданлар олтиндор нодирметалли асосқарнли, кварц-далашпатли грейзенли турлардан иборат.

Ауминзатов тоғлари олтин маъданли объектлари (Песчаное, Карабугут ва Шохетов) Зарафшон-Туркистон структуравий-формацион зонасининг Ауминза-Белтов қуйи зонасида жойлашган. Ауминзатов қурилмасининг ядроси тасказган свитаси, қанотлари бесапан свитаси чўкинди-вулканоген тоғ жинсларидан ташкил топган, мураккаб-палахсали герцин антиформаси шаклида акс эттирилади. Худуднинг структуравий-тектоник ҳолати регионал ёриқлар тизими кесишуви билан аниқланади – субкенгликдаги Жанубий Ауминзатов тизимлари ва Жолдас, Песчаное, Карабугут, Сентябрьское, Аджибугут конларини мужассам этувчи, шимолий-ғарбий Коспактов ёриқланиш зоналари. Маъданлар томирли-донадор, ўта кам- ва кам сульфидли, икки турдан иборат - асосан пирит ва арсенопиритдан ташкил топган бирламчи ва оксиланган (соф олтин билан).

XX асрнинг иккинчи ярмида ўтказилган изланишлар натижасида Марказий Қизилқумнинг стратиграфик ҳосилалари, тектоник қурилиши,

магматизми ва металлогениясига оид асосий тушунчалар шаклланган. Охирги йилларда улар геодинамик позициялардан қайта кўриб чиқилган ва янги маълумотлар билан тўлдирилган.

Диссертациянинг «**Ауминзатов ва Букантов олтин-нодирметалли ва олтин конларининг метасоматитлари, уларнинг маъданлашув билан муносабати**» деб номланган иккинчи бобида иккита кичик боблар мавжуд бўлиб, олтин-нодирметалли ва олтин конлар метасоматитларининг ҳосил бўлиш шароитлари, минерал таркиби, кетма-кетлиги, маъданлашув билан муносабатлари ёритилган.

Олтин-нодирметалли конларда минерал ҳосил бўлиш жараёнларининг магматик босқичида магма билан доломитларнинг ўзаро таъсирида, ҳамда контраст таркибга эга бўлган доломитлар ва алюмосиликатли тоғ жинслари (сланецлар) ўртасида, компонентларнинг ўзаро диффузияси туфайли метасоматитларнинг диопсид-форстерит-шпинель ҳароратли босқичига оид бўлган магнезиал-скарнли формацияси ҳосил бўлади. Салит ва ферросалитдан ташкил топган оҳакли скарнлар постмагматик жараёнларнинг олд ишқорли босқичидаги юқори ҳароратли суёқликларнинг аввал ҳосил бўлган магнезиал скарнлар, скарноидлар ва роговикларга таъсири натижасида ҳосил бўлади. Илк бор, Букантовнинг олтин-нодирметалли конларида, ҳосил бўлиш шароитига қараб ягона оҳакли скарнлар формацияси ажратилган.

Грейзенлар интрузив штокларнинг апикал қисмларида ҳосил бўлади, қалинлиги 10-20 см бўлган таналарни ташкил этиб, кетма-кет жойлашувчи, ортоклаз, мусковит, флюоритнинг йирик кристалларидан ташкил топган. Асосий маъдан минерали шеелит-I, камроқ вольфрамит. Кварц-дала шпатли метасоматитлар интрузив тананинг контакт атрофи зоналарида жойлашган ва маъдандор штокверкни ташкил қилади. Шеелит-II, молибденит, кам миқдорда соф олтин ўзига хос минерал ҳисобланади. Жинс ҳосил қилувчи минерал таркиблари қамровчи жинслар таркибига боғлиқ: интрузивда улар мусковит, калийли дала шпати; экзоконтактда эса – актинолит, шох алдамчиси, флогопит, биотит.

Магнезиал, оҳакли скарнлар ва улар билан маконда биргаликда жойлашган скарноид-роговикли тоғ жинсларининг маъдан олди ўзгаришлари, умумий аposesкарнли метасоматитлар гуруҳига ажратилган. Кварц-пироксенли метасоматитлар (гранат, шеелит билан) аposesкарнли метасоматитларнинг ички қисмларини, кварц-амфиболли, кварц-флогопитли ва бошқа томирли минерал ассоциациялар (шеелит билан) - ташқи қисмларини ташкил этиши аниқланган.

Тоғ жинсларининг пропилитлашуви олтин-висмут-теллурид-сульфидли маъданлашув билан кетма-кет вужудга келади. Эпидот (клиноцоизит), кварц, карбонат, хлорит, пирит ва пирротиндан ташкил топган. Скарн-скарноидларда эпидот ва клиноцоизит типоморф ҳисобланади, роговик, роговиклашган сланецларда – хлорит ва альбит.

Березит-лиственитли, эйситли ва аргиллизитли маъдан олди ўзгаришлари иккали хил турдаги маъданлашувга оид. Олтин-нодирметалли

конларда березит-лиственитли метасоматитлар интрузив штоklarининг эндова экзоконтакт қисмларида учрайди ва нодирметалли маъданларнинг ташқи қисмида жойлашади. Олтинли маъданлашув учун ушбу ўзгаришлар асосий ва маъдандор майдонларнинг ички қисмини ташкил қилади. Янги ҳосил бўлган минераллар серицит, кварц, пирит, карбонатдан (доломит-анкерит) иборат. Интрузивдаги маъдан олди ўзгаришларида серицит кенг тарқалган, флюорит учрайди, камровчи жинсларда эса - хлорит, гидрослюдали минераллар ва карбонат. Ушбу метасоматитларнинг икки хил фашиал турлари ажратилган - серицитли ва хлоритли. Березитлашув худудлари билан олтинга маҳсулдор бўлган пирит-арсенопиритли ассоциация боғлиқ.

Кварц-альбитли маъдан олди ўзгаришлари нисбатан паст ҳароратли натрийли метасоматитларга – эйситларга тааллуқли. Олтин-нодирметалли конларда кам, олтинли маъданлашувда кенг тарқалган. Нотўғри томирлар ва ингичка томирчалар кўринишида тарқалган, албит, кварц, карбонат, донадор пиритдан ташкил топган, ташқи қисмида хлорит учрайди. Кварц-альбитли ва хлорит-альбитли фашиялари ажратилган: биринчиси Ауминзатовда, иккинчиси Букантовда кўпроқ ривожланган. Эйситлар билан пирит, халькопирит ва сфалеритдан ташкил топган кам сульфидли минераллашув боғлиқ. Олтиндорлиги паст.

Аргиллизитлар олтин-нодирметалли конларда биринчи марта ўрганилган, кам учрайди, лекин Ауминзатов ва Букантов олтин маъданли объектларида кенг тарқалган. Тоғ жинсларининг ёриқли, бурдаланган қисмларида чизиксимон-чўзинчоқ тасмаларни, томирли таналарни ҳосил қилади. Ўзгариш худудлари зич, кулранг халцедон кўринишидаги кварцдан, майдазаррали гидрослюдали минераллардан, криптозаррали каолинитдан, карбонатдан ва донадор пиритдан ташкил топган. Аргиллизитлар билан, ўзгарган тоғ жинсларидаги ёриқларни тўлдирувчи сульфид-сульфосолли минераллашув боғлиқ. Березит-лиственит, эйсит ва аргиллизитларда маъданли минераллар ўзгарган тоғ жинсларининг ички қисмида ҳам, уларнинг ташқарисида ҳам, кварцлашув ва карбонатлашув қисмларида жойлашган.

Бирламчи тоғ жинслари ва улар бўйича ривожланган метасоматитларнинг моддий таркибини ўрганиш натижасида, ҳар хил таркибдаги тоғ жинсларининг маълум бир метасоматик ўзгариш жараёнида пайдо бўлган янги ҳосила, ички, жадал ўзгарган қисмида, ушбу ўзгаришга хос бўлган, аниқ минералогик ва кимёвий таркибга эга бўлади. Камровчи жинсларнинг аҳамияти метасоматик устуннинг ташқи қисмларида ўз аксини топган.

Ушбу бобга хулосалар қуйидагилардан иборат: Ауминзатов ва Букантов тоғлари олтин ва олтин-нодирметалли конлари метасоматик тоғ жинслари мажмуи билан фарқланади; олтин-нодирметалли конларнинг метасоматитлари магматик ва постмагматик жараёнларнинг ягона қатори билан боғлиқ, ҳар хил маъдан олди ўзгаришлари билан маълум бир маҳсулдор минерал-геокимёвий тур ҳосил бўлиши аниқланган; олтинли объектларнинг маъдан олди ўзгаришлари гидротермал жараёнларнинг кечроқ

босқичларига хос; метасоматитлар билан олтин ва нодирметалли маъданлашув муносабатлари турлича - маъданлашув скарнлардан кейин, кварц-далашпатли грейзенлар ва апоскарнли метасоматитларда нодирметалли маъданлашув бир вақтли, пропицит, березит-лиственит, эйсит ва аргиллизитларда эса олтин маъданлашув бирин-кетин ҳосил бўлганлиги аниқланган.

Диссертациянинг “**Ауминзатов ва Букантов тоғлари олтин-нодирметалли ва олтинли маъданлашувнинг минерал ассоциациялари**” деб номланган учинчи бобида иккита кичик боблар мавжуд бўлиб, алоҳида геохимёвий турлар билан боғлиқ бўлган турли хил маъданлашувнинг минерал ассоциациялари ҳосил бўлиш кетма-кетлиги очиқ берилган.

Олтин-нодирметалли маъданлашувнинг минерал ассоциациялари. Маъдан ҳосил қилиш жараёнининг олд нодирметалли босқичида (Au-W – геохимёвий тур) вольфрамга маҳсулдор бўлган кетма-кет намоён бўлувчи иккита ассоциация ҳосил бўлади: йирик метасоматик таналарни ташкил қилувчи шеелит-вольфрамитли ва олтиндор шеелит-молибденитли маъданининг турли хил маҳсулдор минерал ассоциациялари ташкил топади. Асосий минераллари шеелит, молибденит, вольфрамит, жинс ҳосил қилувчи минералларнинг таркиби камровчи жинслар таркибига боғлиқ.

Олтин-висмут-теллуридли ассоциация (Au-Bi-Te – геохимёвий тур) олтинга асосий маҳсулдор ҳисобланади, пирит, пирротин, висмут ва теллур минералларидан (теллуrowисмутит, жозеит, соф висмут, висмутин, тетрадимит ва бошқалар), соф олтиндан ташкил топган. Пирит-арсенопиритли ассоциация (Au-As – геохимёвий тур) пирит, арсенопирит, герсдорфит ва Ni-Co-пирротиндан иборат. Ассоциациянинг олтиндорлиги пирит ва арсенопирит миқдорида боғлиқ. Олтин кўринмас, сульфидлар таркибида заррин-дисперсли. Полисульфид-теллуридли ассоциация (Au-Ag-Te – геохимёвий тур) учун сульфидлар миқдорининг юқорилиги ўзига хос, асосий минераллари пирит, халькопирит, камроқ миқдорда сфалерит ва арсенопирит, типоморф минераллари - теннантите, галеновисмутит, аргентит ва бошқалар. Жинс ҳосил қилувчи минераллардан, томирлар четида жойлашувчи карбонатлар, альбит ва хлорит хос.

Олтин-сульфосолли ассоциациянинг (Au-Ag-Se – геохимёвий тур) ўзига хос минераллари - майда заррали арсенопирит, марказит, кумуш селен минераллари, антимонит, ҳар хил сульфосоллар (виттихенит, козалит, кобеллит, матильдит, стефанит, франкеит ва б.).

Ауминзатов ва Букантов тоғлари гипоген олтинли маъданлашуви пирит-арсенопиритли, полисульфид-теллуридли, олтин-сульфосол-селенидли ассоциациялардан ташкил топган. Пирит-арсенопиритли ассоциация (Au-As – геохимёвий тур) асосий маҳсулдор бўлиб хизмат қилади ва маъданларнинг амалий аҳамиятини аниқлайди. Сульфидларнинг асосий қисми ва улар билан боғлиқ бўлган дисперс олтиннинг кўп қисми ушбу ассоциацияда шаклланади. Сульфидлар пиритдан (маъданли минералларнинг 85-95%), камроқ арсенопирит ва халькопиритдан ташкил топган, пентландит учрайди.

Полисульфид-теллуридли ассоциация (Au-Te – геокимёвий тур) пирит, сфалерит, галенит, халькопирит, марказит, тетраэдрит, теннантитлардан ташкил топган, олтин ва олтин-кумуш теллуридли кўпроқ учрайди, маъдансиз минераллардан альбит, кварц, карбонат кенг тарқалган.

Олтин-сульфосол-сурмали ассоциация (Ag-Au-Sb-Se – геокимёвий тур) пирит, камроқ сфалерит, антимонит, соф кумуш, олтин ва микроминераллар комплексидан (аргентит, клаусталит, тетраэдрит, фрейбергит, буланжерит, джемсонит, бурнонит, пираргирит, Se-маккинстрит), карбонатлар, каолинит (диккит), гидрослюдадар, хальцедонсимон кварц ва озроқ хлоритдан иборат.

Пирит-арсенопиритли минераллашув билан бирга келувчи кварцдаги флюид аралашмаларнинг гомогенизация ҳарорати  $215^{\circ}\text{C}$ - $247^{\circ}\text{C}$ , олтин-сульфосол-сурмалиники эса  $156$ - $204^{\circ}\text{C}$ .

Гиперген олтин маъданлашув тури (оксиланган маъданлар) олтин-ярозит-гидрослюдали ва олтин-гидрогетит-каолинитли ассоциациялардан (Au-Fe - геохимический тип) ташкил топган. Олтин-ярозит-гидрослюдали ассоциация оксидланиш зонасининг пастки қисмини эгаллайди (оксидланиш чегарасидан 10-15м) ва маъданларнинг гиперген ўзгариш жараёнларининг бошланғич босқичида ҳосил бўлади. Асосий типоморф минерал, гидрослюдали минераллар билан бирга бирламчи тоғ жинсларининг қолдиқларини цементловчи ярозитдан, кам миқдорда скородитдан иборат. Олтин ушбу ассоциацияда ўта майда (олтин доначаларининг ўлчами 2-4 мкм) шаклсиз ажралмаларни ҳосил қилади, асллиги юқори эмас - 546-776 ‰.

Олтин-гидрогетит-каолинитли ассоциация оксидланиш зонасининг юқори қисмида жойлашган, асосий қисми темир гидрооксидлари (гетит, гидрогетит) билан жинс ҳосил қилувчи минералларнинг қолдиқларидан иборат. Ушбу ассоциациядаги соф олтин майда заррали (15-30 мкм), 100мкм дан йирик бўлган микрозарралар камроқ учрайди. Асллиги 615-996 ‰ атрофида ўзгариб туради.

Хулоса қисмида, ўрганилаётган майдонлардаги олтин маъданлашувининг ҳосил бўлиши кўп босқичли бўлиб, унда алоҳида маҳсулдор минерал ассоциациялари, маъданлашувнинг маълум бир геокимёвий тури билан боғлиқ ҳолда ривожланиши аниқланган; ҳар хил турдаги маъданлашувнинг минерал ассоциациялари уларнинг мажмуаси ва таркиби билан фарқ қилади. Олтин-нодирметалли Саритов, Саутбой конлари билан Мурунгов конининг, ҳамда Ауминзатов ва Букантовдаги олтин-кумушли объектлар билан Даугизтов конининг минерал ассоциациялари бири-бирига яқинлиги аниқланган.

Диссертациянинг “**Ауминзатов ва Букантов тоғлари олтин-нодирметалли ва олтинли маъданларнинг минералогияси**” деб номланган тўртинчи бобида иккита кичик боблар мавжуд бўлиб, ҳар хил турдаги маъданлашув билан бирга келувчи минералларнинг типоморф хусусиятлари очиб берилган. Муаллиф томонидан 67 минерал аниқланган ва ўрганилган.

Олтин-нодирметалли маъданлашувнинг ўзига хос кенг тарқалган минераллари аниқланган – шеелит, молибденит, вольфрамит, Co-Ni-

пирротин, геденбергит, гранат, амфибол, флогопит, флюорит; олтин маъданли учун эса – As-Ni-пирит, арсенопирит, пентландит, ульманнит, альбит, серицит, хлорит (1-жадвал).

Олтин-нодирметалли маъданлашув учун олтиннинг висмут минераллари билан жипс боғлиқлиги ўзига хос хусусият ҳисобланади – висмут, маъдан ҳосил бўлиш жараёнининг олд босқичида, соф, сульфидли ва теллуридли шаклида (висмутин, соф висмут, теллуrowисмутит, жозеит) учрайди, кечки босқичларида эса, конларнинг юқори қисмида учрайдиган, висмутли сульфосоллар (кобеллит, матильдит, виттихенит и айкинит ва б.) кенг тарқалган.

Теллуридлар олтин-нодирметалли конларда кенг тарқалган. Уларнинг асосий қисми олтин маъданлашувнинг эрта босқичларида, конларнинг чуқур қисмларида, теллуrowисмутит, хедлеит, ингодит шаклида, конларнинг ён қисмларида сульфосоллар кўринишида тарқалган. Олтинли маъданлар учун олтин ва кумушнинг теллуридлари (гессит, штютцит, петцит) хос.

Маъданларнинг ҳосил бўлиш шароитини аниқлаш ва башоратлаш ишлари учун сульфосол гуруҳидаги минераллар таркиби муҳим аҳамиятга эга. Олтин-нодирметалли маъданлашувнинг кечки ассоциациялари Bi, Pb сульфосолларидан, олтин-кумушлида эса Sb, Ag, Cu сульфосолларидан ташкил топган (1-расм).

Олтин-нодирметалли конларнинг сульфидли парагенезислари учун герсдорфит (никел ва маргимуш сульфиди) ва Co-Ni-пирротин, Ni-Co-As-пирит хос. Олтинли маъданларда Ni-As-пирит, Ni-Co-арсенопирит, пентландит, улманит, ҳамда бир қатор минералларнинг Se-Ag-Sb-турлари (Se-галенит, Se-антимонит, Se-аргентит, Se-гессит, Se-маккинстрит, Se-джерсонит, Se-буланжерит, Se-Au-соф олтин, Ag-галенит, Ag-Sb-галенит ва б.) кенг тарқалган.

Олтин-нодирметалли маъданлашувнинг асосий сульфидли минераллари учун W, Mo, Pt, Pd, Sn, It, Ib, Be, Ga, Gd элемент-аралашмалари, ҳамда Bi ва Te нинг юқори миқдори типоморф белги ҳисобланади; олтинли маъданлашувнинг сульфидлари учун эса - Ni, Se, Sb, Zn и Pb. Маъданларнинг асосий сульфидларида Ag/Au ва Se/Te нисбатлар ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик мавжуд эканлиги ( $k=0,90$ ) аниқланган.

Маҳсулдор пиритларда олтин билан маргимуш миқдорлари ўртасида мусбат корреляцион боғлиқлик ( $k=0,8$ ) мавжуд. Au-As-Co-Ni гуруҳидаги мусбат корреляция (до 0,73) пиритнинг олтиндорлигини билдиради ва қидирув белгиси сифатида хизмат қила олади. Сульфидларда никел ва кобалт изоморф, полизонал ҳолатда тарқалган.

Марказий Қизилқумнинг олтинли объектларидаги маҳсулдор пиритларда Ni/Co нисбати баҳолаш мезони сифатида қўлланилиши мумкинлиги аниқланган. Олтин-нодирметалли конларда (Мурунгов, Саритов, Саутбой) ушбу кўрсаткич юқори (4 атрофида), кичикроқ олтин маъданли объектларда Ni/Co муносабати камаяди (2), метаморфоген, ҳамда лампрофир дайкаларидаги пиритларда бу муносабат жуда паст (0,5 гача).

Маъданлашув билан бирга келувчи жинс ҳосил қилувчи минераллар учун маъдандор элементларнинг бир қатор аралашмалари хос. Кенг тарқалган минералларнинг турли генерацияларидаги элемент-аралашмаларнинг мажмуаси, маъдан ҳосил қилувчи суюқликларнинг металлогеник хусусиятини аниқлайди, ушбу минералларнинг типоморф белгилари ҳисобланади ва қидирув меъзонлари сифатида қўлланилиши мумкин.


Жадвал 1

**Ауминзатов ва Букантов тоғлари олтин-нодирметалли ва олтинли маъданлашувнинг геокимёвий турлари, маҳсулдор минерал ассоциациялари ва типоморф минераллари**

Геокимёвий тур	Маҳсулдор минерал ассоциациялари	Асосий минераллари	Типоморф минераллари	
			Олтин-нодирметалли	Олтинли
<u>Au-W</u> Mo, TR	Нодирметалли молибденит-шеелитли	Шеелит, ортоклаз, геденбергит, амфибол	молибденит, вольфрамит, касситерит, монацит, соф олтин (905-922)	-
<u>Au-Bi-Te</u> Cu	Олтин-висмут-теллуридли	Пирротин, халькопирит, пирит, эпидот, хлорит	Висмут, висмутин, жо-зеит, хедлеит, цумоит, теллуровисмутит, соф олтин (866-882)	-
<u>Au-As</u> Ni-Co	Пирит-арсенопиритли	As-пирит, арсенопирит, серицит, карбонат	Со-арсенопирит, герсдорфит, пирротин, Ni-Co- пирротин, дисперс олтин	Пентландит, Fe-Ni-Co-сульфо-арсенидлари, дисперс олтин
<u>Au-Te</u> Ag	Полисульфид-теллуридли	Халькопирит, галенит, сфалерит, аль-бит, карбонат	Теннантин, ингодит, сульфоцумоит, галеновисмутит, акантит	Гессит, петцит, штютцит, Ag-акантит, тетраэдрит
<u>Au-Ag- Se<sub>2</sub>Sb</u>	Олтин-сульфоселенидли (+сурмали – олтинли тур учун)	Сфалерит, антимонит, дикцит, гидрослюда, карбонат	виттихеннит, айкинит, науманнит, козалит, кобеллит, матильдит, миаргирит, стефанит, буланжерит, полибазит, франкеит, соф кумуш, соф олтин (701-767)	Клаусталит, ульман-нит, фрейбергит, буланжерит, джемсонит, бурнонит, пираргирит, маккинстрит, соф кумуш, соф олтин (386-622)
Au-Fe (гипергенный)	Олтин-ярозит-гидрослюдали, олтин-гидрогетит-каолинитли	Ярозит, гетит, гидрогетит, скородит, малахит, каолинит	базовисмутит, бисмоклит, бисмит, бисмутит	Гетит, гидрогетит, ярозит, соф олтин

Нодирметалли маъданлашув учун W, Mo, Zr, Be, Gd, Ge, эрта олтин маъданли учун W, Bi, Mo, Cu, кечки олтин-кумушли учун Ag, Sb, Pb, Zn ларнинг элемент-аралашмалари хос.

Маъданлашувнинг олтин-нодирметалли босқичида шеелит, молибденит ва сульфидлар билан биргаликда оз микдорда, висмут ва платина аралашмалари бўлган, юқори асллили (905-922 ‰) олтин учрайди. Соф олтиннинг (асллилиги 866-882 ‰) асосий қисми висмут ва теллур минераллари билан ассоциацияланади. Полисульфид-теллуридли босқич учун пастроқ асллили (732-767 ‰) олтин хос. Олтин-нодирметалли маъданлашувнинг кечки сульфидли-сулфосолли ассоциацияларидаги олтиннинг асллилиги 701-714 ‰; олтин-кумушли объектлардаги ушбу ассоциация олтини паст асллили - 386-622 ‰ (кюстелит-электрум) ва мис, селен, сурма аралашмаларига эга. Олтин таркиби унинг зарралари майдони бўйлаб ҳар хил ва кескин, дискрет тарзда ўзгаради.



**Расм 1. Олтин-нодирметалли ва олтинли маъданлашувнинг микроминераллари (иккиламчи электронлардаги тасвир)**

Метаморфоген хлоритларида темирнинг магнийга нисбати жуда паст (0,12-0,15; пеннин-клинохлор), маъдан билан бирга келувчи хлоритларда юқори (0,7-0,9; делессит, рипидолит, брунгсвигит). Олтин-нодирметалли маъданлашув билан ассоциацияда бўлган дала шпатлари ортоклаз-микроклиндан, олтинлида эса албитдан ташкил топган.

Ўтказилган изланишлар натижасида қуйидагилар аниқланди: Ауминзатов ва Букантов тоғларидаги олтинли ва олтин-нодирметалли маъданлари макро- ва микроминерал таркиби, асосий ва йўлдош минералларнинг типоморф хусусиятлари билан ажралади; олтин-нодирметалли маъданлашув учун олтиннинг висмут минераллари билан

узвий боғлиқлиги ўзига хос хусусият ҳисобланади, олтинли маъданлар учун эса кумуш ва олтиннинг теллуридлари ва сульфoантимонидлар хос; олтиннинг асллиги олд ассоциациялардан кечкиларига қараб камайиб боради.

Диссертациянинг “**Ауминзатов ва Букантов тоғлари олтин-нодирметалли ва олтин-кумушли конларида элементларнинг тоғ жинсларида, маъданларда ва маъдан атрофи маконда тарқалиш хусусиятлари**” деб номланган бешинчи бобида еттита кичик боблар мавжуд бўлиб, асосий ва ҳамроҳ элементларнинг тарқалиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган.

Букантов тоғларидаги кокпатас свитаси чўкинди-метаморфик жинслари (карбонатлардан ташқари) оз миқдорда вольфрам, молибден, қалай, сурьма ва олтин билан бойиган (кларкка нисбатан 2-8), мис ва рух - кларк атрофида, кўрғошин – кларкдан паст; элементларнинг юқори миқдори вулканоген тоғ жинсларига тўғри келади. Контакт-метаморфик жинсларда элементлар миқдори деярли ўзгармайди. Маъданли элементларнинг юқори кўрсаткичлари гидротермал ўзгарган тоғ жинсларида аниқланган.

*Олтин-нодирметалли маъданларда* элементларнинг юқори кларк концентрациялари висмут (1071 – конлар бўйича ўртача қиймати) ва теллурга (4560) хос; олтин, вольфрам, селен, маргимуш - 120-180; сурма ва кумуш - 55-60, бошқа элементлар учун - бир неча баробар. Se:Te муносабати 2:1. Букантов тоғлари олтин-нодирметалли маъданлашуви ҳосил бўлиш жараёниларида олтин геохимёси висмут, теллур ва вольфрам билан боғлиқ ва элементлар тўпланиш даражаси геохимёвий қатори билан аниқланади: Te-Bi-W-Se-Au-As-Ag-Sb-Sn-Cu-Mo-Zn-Pb. Олтин билан барқарор мусбат боғланишлар ҳосил қилувчи элементлар, корреляция қийматига қараб қуйидаги гуруҳларга ажралади: Au-W; Au-Te-Bi; Au-As; Au-Ag-Te-Se-Cu-Zn-Pb; Au-Sb. Гуруҳлардаги боғланишлар ушбу конларда олтин-нодирметалли, олтин-висмут-теллуридли, олтин-пирит-арсенопиритли, олтин-кумуш-селенид-полисульфидли, олтин-сурмали минерал-геохимёвий ассоциациялар намоён бўлганлигини кўрсатади. Олтин-нодирметалли конларда биринчи ассоциация вольфрам маъданлар амалий аҳамиятини аниқлайди, асосий олтиндор бўлиб Au-Bi-Te тур хизмат қилади.

Элементлар миқдори маконда ўзгариши аниқланган: вольфрам, олтин, висмут ва камроқ қалайнинг миқдори интрузив контактига қараб ошиб боради, мис ва маргимуш кўрсаткичлари – контактдан узоклашганда. Элементларнинг корреляция боғлиқлиги маконда ўзгарувчан эканлиги аниқланди: контактдан узокликда (250-350м) олтин Cu, Te, As, Ag билан мусбат боғланган (0,50); контакт атрофида эса олтин билан кучли мусбат боғланиш Bi, W, Mo га хос (0,6-0,7).

